



ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ



Отабек МУХАММАДЗОХИД,  
хонанда:

**ҲАЁТ  
СИНОВЛАРИ  
ҲАЛИ  
ОЛДИНДА!**



КҮЙ ЙИЛИ  
ҚАНДАЙ КЕЛАДИ?

## ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!



Илхом Жуманов  
коллажи

### ЯНГИ ЙИЛ

Йил бошини тўғрилаб,  
Бир ёшимни ўғирлаб,  
Хайрлашар эски йил,  
Янги йил кирар дадил.

Осмондан унни элаб,  
Ҳар ёқни оққа белаб,  
Ҳаяжонга тўлар дил,  
Кириб келар янги йил.



Қорбобо ва Қорқиздан,  
Икки юзи қирмиздан,  
Совға келтириб ҳар хил,  
Кириб келар янги йил.

Безаб яшил арчани,  
Хурсанд этиб барчани,  
Хайрлашар эски йил,  
Бағрин очар Янги йил!

Юлдузой ЎРМОНОВА,  
Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси.

### ҲИКМАТ

Миннат қилиш  
берилган эҳсон-  
ни йўққа чиқара-  
ди.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-КИЗЛАР КЎМИТАСИДА

# ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИҲАЛАР САРАЛАНДИ

**Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида тадбиркор аёллар ўртасида ташкил этилган “2014 йилнинг энг яхши лойиҳаси” танлови голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Банк-молия ташкилотлари мутаасаддилари, хотин-қизлар кўмитаси фаоллари, тадбиркор аёллар иштирокида ўтган мазкур тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш, оила ва жамиятдаги мавқени мустаҳкамлаш, оилалар фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ислотлар ўзининг юксак натижаларини бермоқда.

Банк-молия муассасалари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, коллежларни тамомлаган қизларни ишга жойлаштириш, ўз хусусий ишини бошлаш истагидаги битирувчиларга кўмак бериш, оилавий тадбиркорлиқни ривожлантиришга оид қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Тарих саҳифасига муҳрланаётган “Соғлом бола йили”да мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор лойиҳалар ҳаётга тадбиқ этилди.

“Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида 2014 йилнинг ўтган даврида салкам 1 триллион сўмлик кредитлар ушбу мақсадларга йўналтирилиб, бу борада 1,3 барбар ўсишга эришилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугунги кунга келиб, юртимизда фаолият юритаётган жами тадбиркорларнинг 35 фоизини аёллар ташкил этмоқда. Жорий йилда 201 минг нафардан зиёд қизлар доимий иш билан таъминланди. Жумладан, уларнинг 5872 нафари банкнинг 46,5 миллиард сўмлик сармоясидан унумли фойдаланиб, ўз бизнес фаолиятини йўлга қўйганлиги қувонарлидир.

— Эътиборли жиҳати, бугунги кунда юртимизнинг қайси бир ҳудудига бормаёлик, аёлларнинг ташаббускорлиги, фаоллигига гувоҳ бўламиз, — дейди **Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маъруфова**. — Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли опа-сингилларимизнинг ишбилармонлик қобилиятлари юзага чиқмоқда. Энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий хизмат кўрсатиш инфратузилмаси яратилиб, гўзаллик салонлари, савдо дўконлари, нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари, тикувчилик корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

“Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида ўтказилган “2014 йилнинг энг яхши лойиҳаси” танло-

вига тадбиркор аёллардан тақдим этилган ижтимоий аҳамиятга молик 15 та бизнес лойиҳа саралаб олинди.

Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида кўплаб янги иш ўринлари яратилади. Сирдарёлик Ҳимоят Эралиева иссиқхонада сархил сабзавотлар етиштириш ва “Соғлом аёл маркази” фаолиятини йўлга қўйишни, хоразмлик Нилуфари Искандарова эса сут маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхона очишни режалаштирган бўлса, Андижон вилоятининг Шахрихон туманидаги «Superbekajon» хусусий корхонасида меҳнат қилаётган Гўзалой Жўраева қишлоқ кўчаларини обод қилиш, атрофни маҳаллий иқлим шароитига мос гуллар, ўсимлик ва майсалар, манзарали дарахтлар билан безашга қаратилган ландшафт дизайнига оид лойиҳасини тақдим этди. Қорақалпоғистонлик тадбиркор Дилфуза Жиенбекова Нукус шаҳрида меҳмонхона хўжалигини ривожлантириш, сайёҳларга сервис хизматини такомиллаштиришни мақсад қилган.

“2014 йилнинг энг яхши лойиҳаси” танлови голибларига тижорат банкларининг имтиёзли кредитларини кафолатловчи сертификатлар ва эсдалик совгалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова сўзга чиқди.

**Ширинхон МЎМИНОВА,**  
“Оила ва жамият” муҳбири.

## ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ

Тадбир

Мустақиллик йилларида кўлга кiritилган юксак марралар ва асрларга татигулик бекиёс ютуқларда ижод аҳлининг ҳам ўрни алоҳида. Зеро, ижодкорлар бугунги маънавий-маърифий ислотларда ҳамюртларимиз қалбига етиб борувчи, уларнинг тафаккурини юксалтирувчи, ижтимоий фаоллигини оширувчи юксак бадиий-ғоявий меҳнатлари билан фаол иштирок этмоқдалар.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган анъанавий “Эътироф-2014” миллий мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросимида юртимизда маданият, санъат, спорт, телевидение, радио каби соҳаларда самарали фаолият юритаётган ва халқимиз меҳрини қозонган ижодкорлар меҳнати сарҳисоб этилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир бу йил янада файзли кечди. Миллий оҳанглар уйғунлиги ҳар лаҳзада сезилиб турди. Томошабин эътиборини тортувчи сахна кўринишлари, байрамона безаклар ва совриндорларнинг сахнага чиқиб келиш манзаралари ниҳоятда жонли кўринишга эга бўлди. Тадбирга маданият ва санъат намояндалари, ёзувчи ва шоирлар, кино, театр, musiqa ва рақс, тасвирий санъат соҳаси фидойилари, кенг жамоатчилик вакиллари, ус-

тоз-мураббийлар, талабалар таклиф этилди.

— Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, ажойиб актриса Лола Элтоеванинг ижодини қадрлайман. Бу йил унинг «Йилнинг энг яхши театр актрисаси» дея эътироф этилгани нафақат мени, балки бутун оила аъзоларимизни ҳам қувонтир-

доқлаш масъулиятини астойдил ҳис этишга руҳлантиради.

**Асқар Умаров,**  
**мухлис, Жиззах вилояти:**

— Очигини айта қолай, мен ўтган йили телевизорда “Эътироф” тадбирини томоша қилиб: “Қанийди, шундай ҳаяжонли воқеаларни ўз кўзим билан кўрсам”, деб ният қилувдим. Янги йил арафасида бу байрамда қатнашганим мен учун катта совға бўлди. Голиб деб топилганларнинг деярли ҳаммаси ана шу юксак мукофотга муносиб деб ўйлайман. Тилагим, “Эътироф” чилар ана шундай шарафли ишонччи оқлашсин!

Ниҳоят, ҳаяжонли лаҳзалар етиб келди. “Йилнинг энг яхши спектакли” номинациясига Сурхондарё вилояти муסיқий драма театрининг “Ойдин” спектакли, “Йилнинг энг яхши театр актери” деб Умирбай Қосимбетов, “Йилнинг энг яхши фильми” сифатида “Геолог”, “Йилнинг энг яхши кино актери” дея Мирза Азизов, “Йилнинг энг яхши спортчиси” — Осие ўйинлари чемпиони Бегзод Абдурахмонов, “Йилнинг энг яхши радио журналисти” “Тошкент” телерадиоканали бошловчиси Дилдора Мардиева... хуллас, яна ўнлаб номинациялар голиб ва голибаларига диплом, статуетка ва эсдалик совгалари топширилди.

**Барно МИРЗААХМЕДОВА,**  
“Оила ва жамият” муҳбири.



ди, — дейди **бухоролик Лазиз Наврўзов**. — Шунингдек, “Эътироф хотира” йўналиши бўйича таъсис этилган мукофотнинг таникли телебошловчи, раҳматли Мирзоҳид Раҳимов оиласига топширилгани бизни ҳаяжонга солди. Зеро, яшидан ном қолади, деганлари шу бўлса керак. Илму маърифат аҳлига кўрсатилаётган бу каби юксак эътиром юртимиз тинчлиги ва осойишталигини асраб-авайлаш, истиқлол неъматларини кўз қорачигидек ар-

Кўсру

## МАЪНАВИЙ НУР

Асрлар оша сайқал топган маънавий ахлоқий тамойилларимиз бугунги кунда дунё ҳамжамияти эътиборига тушиб, бошқа халқларга ҳам ўзига хос андоза сифатида тақдим этилаётганига гувоҳимиз. Бу жараёнда, айниқса, мамлакатимизда йил сайин равақ топиб, нуфузи ошиб бораётган маҳалла институтига бўлган эътиборнинг қучайиши, қолаверса, оилага муқаддас қадрият сифатида ғамхўрлик кўрсатилиши, катта имкониятлар яратиб берилаётганлиги юртдошларимизни беҳад қувонтирмоқда.

Халқимиз аздалан болажон, фарзанд тарбияси эса ҳар бир фуқаро учун энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Оддий, лекин чуқур фалсафий мазмун-моҳиятга эга бўлган ушбу нақлларга эътибор берайлик: “Бола азиз, одоби ундан азиз”, “Бир болага етти маҳалла отаона”, “Ватан оиладан бошланади” ва ҳоказо... Донишманд миллатнинг бу каби халқона ҳикматлари замирида теран ҳақиқат ётибди. Демак, таълим ва тарбия масаласи ҳар қандай шароитда ҳам миллий ўзлиққа элтувчи маъқдир. Улуғ алломаларимиздан бири Абдулла Авлоний ўзининг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарида шундай ёзади: “Ифбат, яъни ҳаё деб ишда, сўзда одоби риюя қилмоқчи айтилув. Ҳаё дилни равшан қиладирган бир нурки, инсон ҳар вақт шул маънавий нурнинг зиёсига муҳтождир”.

Хўш, маънавий нур нима ва у қандай қудратга эга? У шундай кўринмас бир кучки, ундан дунёдаги ҳар бир миллат ва элат сирли равишда қувват олади, озикланади. У қон билан, жон билан қиради. Бу, бугун бизлар истиқлол даврига келиб улуглаётган, шарафлаётган маънавий-маданий меросимиз ҳазинасидаги бебаҳо бойлиқлардир. Шу маънода миллий тарбия ўғитлари, ҳикматли китоб ва асарлар, кексаларнинг панд-насиҳатлари ва энг муҳими, мустаҳкам оила қуришда сув ва ҳаводек зарур бўладиган тажрибалар, тарбия усуллари, буларнинг барчаси миллий қадриятларимиз намунаси саналади.

Фарзандларимиз келажагимиз ворислари эканлигини чуқур англаган ҳолда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси баркамол авлод таълим-тарбиясига ўзининг инсоний бурчи ва масъулиятли вазифаси сифатида қарамоқда. “Инсон зийнати оламни безайди” деганларидек, умумбашарий, хусусан, миллийлигимизга хос бўлган маънавий-ахлоқий тамойиллар, буюк аждодларимизнинг ҳикмат дурдоналари инсон камолотининг муҳим мезони, оила фаровонлиги, тинчлик-осойишталигимиз ва жамиятимиз тараққиётининг гаровидир.

**Нигора АХМЕДОВА,**  
**Зиёда ТОШХУҲАЕВА,**  
**Зангиота тумани 1-ФХД**  
**бўлими инспекторлари.**

Бўқалиқлар Абдуҳаким Абдуллаевга савобталаб, ўз ишининг кўзини билладиган инсон, дея таъриф беришади. Асли касби иқтисодчи бўлган Абдуҳаким ака Бўқа туманидаги Й.Ҳожиматов номли маҳаллада истиқомат қилади.

— Тинч-тотувлик, ҳамжихатлик бор жойда барака бўлади, — дейди қахрамонимиз. — Умр йўлдошим Мухаббатхон билан салкам ўттиз йилдан бери аҳил инокликда яшаб келямиз. Шундай ёруғ кунларга етганимизча ҳаётнинг қайноқ “қозони”да пишиб, минг бир чиғириклардан эсон-омон ўтдик. Уч нафар фарзандимиз бизга қанот бўлаётди. Абдуҳаёт, Хуршидхон ҳам олий маълумотли мутахассис. Кизимиз Махлиёхон ҳам акаларидан қолишмайди. Уларнинг бахту-камалини кўриб суюнамиз. Болаларга ёшлигидан яхши тарбия беришсангиз, кейин унинг мевасини кўриб, кўзингиз қувнаб, кўнглингиз тўлиб яшаркансиз-да.

Шукрки, улуғ истиқлолимиз берган улкан имкониятлар туфайли мулқдор бўлдим. “Давлат берсин йигитга”, деган гап бежиз айтилмаган экан. Кўлдан бери фермер бўлиш ниятида юрардим. 2000 йилнинг айни баҳорида 10 гектар майдонда “Абдурахмон орзуси”, деб номланган фермер хўжалигини ташкил этдик. 2006 йилда эса еримиз 30 гектарга етди. Ҳар гал янги йил арафасида қилинган ишларимизни сарҳисоб этиб, келгуси йил режаларини ҳам тузиб олишга одатланганман. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида фермер хўжалиқлари ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган алоҳида гамхўрликлар туфайли бизнинг хўжалигимиз ҳам йилдан-йилга тараққий этиб, кенгайиб бормоқда.

Энг асосийси, заминга меҳр кўйган, деҳқончиликнинг сир-асрорларини пухта эгаллаган Абдуҳаким ака бугунги кунда 170 гектарлик ер майдонига эга бўлган мулқдорлардан бирига айланган. Хўжалик юритиш, қолаверса, биргина ўзини эмас, балки яна ўнлаб оилаларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий манфаатдорлигини таъминлаш, албатта, ўз ўзидан бўлмайди. Бугунги эришилаётган муваффақиятлар замирида хўжалик

## ОРЗУЛАРИ ОЙДИН ОДАМ

аъзоларинингн захматли меҳнати ётибди. Энг муҳими, Абдуҳаким ака ўз атрофида ҳамжихат жамоани шакллантира олди. Механизатор, сувчи ва ишчиларнинг ҳаммаси бири-бири билан аҳил ва инок, Абдуҳаким аканинг ўзи ҳам мен раҳбарман, деб қараб ўтирадиганлар тоифасидан эмас. Аксинча, механизатор билан ёнма-ён техника таъмирлайди, баъзан тигиз пайтда ўзи трактор рулига ўтириб, далаларга ишлов беради, ҳайдайди. Ёки сувчиларга ёрдам керак бўлса, улар билан бирга енг ши-



мариб сув ҳайдайди, ариқ очади.

“Абдурахмон орзуси” фермер хўжалиги асосан уруғчиликка иxtисослаштирилган. Ўтган йили 75 гектарга галларнинг “Таня” нави экилиб, ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил олиниб, 200 тонналик хирмон кўтарилган бўлса, бу йил 73,5 гектар майдонга экилган “Таня”, “Бобур” каби галла навларидан ҳам юқори ҳосил олинди. 77 гектарга чигитнинг “Султон” навини қадаб, бу борада ҳам режани ортиги билан уддалади.

— Ернинг ҳам жони бор, алоҳида диққат-этиборни яхши кўради, — дейди Абдуҳаким Абдуллаев. —

Авваллари кекса деҳқонлардан шундай гапларни эшитсам, қулардим. Аммо ўзим ер билан тиллаша бошлагач, ана шу ҳақиқатни англадим. Мана шу қора тупроқ ҳам уни севишларини, ардоқлашларини ҳеч бўлма-са, ундан унумли ва тўғри фойдаланишларини истади. Буни қаранг, гарчи, ерларимиз тошлоқ бўлса-да, ҳосилимиз баланд. Бундай ютуқларга эришишимизнинг асосий омилли тинимсиз меҳнатимиздир. Ишонсангиз, баъзида галлазорга кириб бошқокларни бағримга босаман. Сугориш чоғида ер бағирлаб қолган бир туп бугдой кўчатини ҳам иложи борича тиргалашга уринган чоғларим бўлган. Ким билсин, барака қайси бир бошоқда унаётган экан. Тўрт нафар механизатор, 17 нафар сувчи, 49 нафар ишчиларимдан чексиз миннатдорман. Уларсиз хўжалигимни тасаввур этолмайман. Зеро, ҳар бир донни

тўлиқ ва бўлиқ бўлиб етишишида уларнинг катта хизмати бор. Такрорий экинга мош, ловия, картошка, сабзи, ем-хашак учун маккажўхори экинларини экамиз. Худудимизда гило, шафтоли, олхўри кўчатларидан ташкил этилган 2 гектарлик боғимиз бор. Бу йил 2,5 гектар жойда балиқчилик ташкил этиб, элимиз дастурхонига сазан, беломур ва толстолоб балиқларини тортиқ этдик. Хўжалигимизда 5 қути асалари боқилади. Асални есангиз мазаси оғзингизда қолади. Уч-тўрт бош соғин сигиримиз бор. Насиб қилса, кейинги йили замонавий услубда дала шийпони маж-

### Фидойилар

муасини барпо этиб, ишчиларимиз учун қулайликлар яратишни режалаштирдик. Унда аёллар ва эркеклар учун алоҳида дам олиш хоналари, спорт майдончаси, техникаларимиз учун гараж қуриш ниятидамиз. Ўтган йилги даромадимизнинг 55 миллион сўмини “Класс Доминатор” комбайни олиш учун сарфладик. Қолганини 10 йиллик муддатга лизинг асосида олмақдамиз.

Чин юракдан қилинган ният ҳамisha ижобат бўлар экан. Пешона теримиз эвазига уйлари таъмирдан чиқардик. Тўй қилиб, келин олдик. Бу йил бизга ҳар томонлама омадли келди. Оиламиз яна бир инсонга кўлайди — неварамиз Мухсиноҳон ҳаммамизнинг овуноғимизга айланди. Бир сўз билан айтганда оилада фарзандларим, хўжаликда эса ниҳолларим кўкка бўй чўзмоқда.

Абдуҳаким аканинг саховатли ишлари ҳақида яқин атрофидаги дўстлари маҳалладошларидан билиб олдик. У фермер хўжалигида ишлаётган ҳар бир ишчини йил давомида қўллаб-қувватлар экан. Даромадга яраша буромад, деганларидек, қўрилган фойда тенг тақсимланади. Режадан ташқари ортган бугдой ҳосили улашилади. Яна бир ибратли жиҳати, саховатли фермер маҳалладаги таъмирталаб кўприкни қайтадан қуриб бериб, қишлоқдошларининг узоғини яқин қилибди. Маҳалладаги эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилаларни ўз оталиғига олибди.

— Президентимиз 2015 йилни “Кексаларни эъзозлаш йили” деб бежиз номламадилар. Бундай эҳтиром ва гамхўрлик замирида чўқур ҳикмат бор. Негаки, бизнинг халқимиз азал-азалдан нурунийларни қадрлаб, иззат-хурматини жойига қўйган. Шу маънода биз фермерлар ҳам ана шу анъанани янги йилда ҳам изчил давом эттиравемиз, — дейди Абдуҳаким Абдуллаев.

**Нигора ҲУРОЛОВА,**  
“Оила ва жамият” муҳбири.  
Тошкент вилояти.

РЕКЛАМА ҲУРИДА

## ЖОНКУЯР УСТОЗ

Замондошларимиз

Каттакўрғон туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактаби директори Зайнаб Бердиева ҳам ана шундай фазилатларга эга. Асосий ишидан ташқари у Каттакўрғон туман кенгаши депутати, кенгашнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси сифатида амалга ошираётган ишлари ҳам таҳсинга лойиқ.

Зайнаб опанинг ҳаёти, фаолияти тўлалигича таълим-тарбия билан чамбарчас боғланиб кетган. Каттакўрғон педагогика билим юрти ва Самарқанд давлат педагогика институтини битирганидан буён ёшлар орасида. 1981 йилдан бери шу билим масканида ишлаб келаётган бўлса, бу муддат айтишга осон, лекин ушбу давр оралиғида мактабни бошқариш, таълим рейтингини юқори кўрсаткичда ушлаб туришнинг ўзи бўлмади. Зайнаб Бердиева раҳбарлигидаги 47 нафар тажрибали педагоглар жамоаси илгор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини ўқув жараёнига

**Бугунги кунда юртимизда ёшларни чин инсоний фазилатлар руҳида, билимли ва юксак салоҳиятли этиб тарбиялаш йўлида меҳнат қилаётган фидойи устозлар бисёр. Улар ўз билими, иқтидори ва ташаббускорлиги билан бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.**

жорий этиб, 474 нафар ўқувчиға таълим-тарбия беришмоқда. Бундай чора-тадбирлар ўз натижасини бераётди. Ўқитувчиларнинг икки нафари олий тоифали, 17 нафари биринчи тоифали педагоглардир. Мактабда 18 та фан ва спорт тўғрақлари мунтазам ишлаб турибди. Мавжуда Қурбонова, Нилуфар Сууюнова, Нурмурад Эшов, Элёр Тиллаев, Ирода Эсанова, Маҳмуд Тошпўлатов каби ўқитувчилар билан бутун жамоа фахрланади. Улар таълим жараёнини кўнгилдагидек йўлга қўйиш билан бирга жамоатчилик ишларида, турли кўрик-танловларга ўқувчиларни тайёрлашда фаол ва бундай тадбирларда ўзлари ҳам иштирок этишади. Масалан, физика фани ўқитувчиси Нурмурад Эшов раҳбарлигидаги “Еш автотранспортчилар” гуруҳи ўтган

йили “Кувноқ қоида” кўриктанловининг вилоят босқичида 2-ўринга сазовор бўлди. Жорий йилда эса 8-синф ўқувчиси Ҳафизова “Умид ниҳоллари” спорт мусобақасининг вилоят босқичида 2-ўринни эгаллади.

Зайнаб Бердиева 2011 йилда Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги шарафига 20-мактабнинг 20 та ташаббусини ўртага ташлаган, унда 20 та энг яхши дарс ишланмаси, 20 та энг яхши тадбир, ҳар бир дарс учун 20 та кўргазмали қурол, ҳар бир ўқитувчи 20 тупдан мевали дарахт экиш каби хайрли ишлар режалаштирилган ҳамда туман бўйича барча мактаблар томонидан муваффақиятли амалга оширилган эди.

Зайнаб Бердиева таълим соҳасидаги жонкуярлиги учун 1999 йилда “Шухрат” медали, жорий йилда эса Президи-



дентимиз Фармонига биноан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи” унвони билан тақдирланди.

— Каттарин меҳнатимнинг бундай юксак мукофотга лойиқ қўрилганидан бошим осмонга етди, ғайратимга ғайрат қўшилди, — дейди Зайнаб Бердиева биз билан суҳбатда. — Бу унвон нафақат менга, балки вилоятимиз, туманимиз халқ таълими тизимида ҳалол меҳнат қилаётган барча устоз ва мураббийлар меҳнатига берилган улкан рағбат, деб ҳисоблайман.

**Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,**  
“Оила ва жамият” муҳбири.  
Самарқанд вилояти.

## ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

Кейинги йилларда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар кўлами дунё миқёсида ошиб бораётгани кузатиляпти. Шунинг учун бу муҳим кўргуликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масаласига мамлакатимизда ҳам жиддий чора-тадбирлар қўрилмоқда. Демак, юртимизда одам савдосига қарши курашиш бўйича тўла ҳуқуқий асослар яратилган.

Бу борада барча худудларда, шу жумладан, маҳалла-кўй, таълим масканларида тарғибот ва тушунтириш ишлари изчил олиб борилаётганлиги яхши самара бермоқда. Асосийси, ҳар бир юртодшимиз бу долзарб муаммага ечим излашда фаол қатнашиши билан бирга, ҳамisha огоҳ бўлиши лозимлигини таъкидлашни истардик.

**Мухаббат КОМИЛОВА,**  
Янгийўл туманидаги  
2-сон ДНИ катта нотариуси.

Кўшиқларни маромига етказиб ижро этиш, унинг сирли оҳанглари тингловчи қалбига етказиш учун санъаткордан катта меҳнат, маҳорат, ва энг муҳими, иктидор талаб этилади. Ана шундай қобилият соҳибларидан бири, хушовоз хонанда Отабек Муҳаммадзоҳид ҳам ўзининг ажойиб кўшиқлари билан санъат мухлислари эътирофига сазовор бўлиб келмоқда.

Отабек МУҲАММАДЗОҲИД,  
хонанда:

## ҲАЁТ СИНОВЛАРИ ҲАЛИ ОЛДИНДА!



— Отабек ака, кейинги йилларда эришяётган муваффақиятларингизда оилангизнинг тутган ўрни қандай?

— Бугунги кунда саккиз набиранинг сеvimли бувижони бўлган онажоним — Мархабонхон Нуриева менинг энг биринчи устозим. У кишининг ҳаётий тажрибасига, маслаҳатига таяниб иш қўришга ўрганиб қолганман. Вақти келганда онам мени танқид ҳам қилади, танбех, койишларини ҳам эшитиб тураман. Кўшиқларим оҳанги, матнлар ва ҳатто юриш-туришимгача назорат қилиб туради.

Менинг пешонамга тўнғич, шу билан бир қаторда, ёлғиз ўғил фарзанд бўлиб туғилиш битилган экан. Ўқинларимнинг барчасига сидқидилдан хизмат қилишим, уларни қўллаб-қувватлашим кераклигини юракдан хис этаман. Бу масъулиятни ҳеч бир инкорсиз ўз ўрнида бажаришни бурчим деб биламан.

Дадам раҳматли ҳам ҳофиз бўлганлар. Мен ҳали санъатнинг паст-баландини англамай туриб, у киши дунёдан ўтган. Шукрки, уларнинг йўлини давом эттиришимда куч-қувватни ҳам, сабрни ҳам, салоҳиятни ҳам Яратганнинг ўзи берапти. Кўз тегмасин, Гулсанам синглим (*Ўзбекистон халқ артисти Гулсанам Мамазоитова назарда тутиляпти — муал.*) ҳам ўзининг гўзал кўшиқлари билан эл назарига тушди. Иккимиз ҳар доим ижодий мулоқотдамиз.

— Тўй-томошаларда сизнинг кўпинча жонли ижрода куйлашингизни эшитганмиз. Овозингизни асрамайсизми?

— Йиллар ўтган сари одамлар орасида маънавий эҳтиёж юксалиб, жонли ижрода талаб, интилиш ортиб бормоқда. Халқ хизматидан бўлган вақтимда имкон қадар, жонли ижрода куйлашга ҳаракат қиламан. Ас-

лида бу оҳанглар бешикдан бошлаб, онамнинг аллалари, отамнинг жонли ижродаги кўшиқлари орқали қон-қонимга синган. Менга шундай овоз, истеъдод берилган экан, мухлисларга чин дилдан хизмат қилишни ўз бурчим, вазифам деб биламан. Жонли ижро ўз номи билан жонли. Ҳар нарсанинг ҳам ҳақиқийси, асли барибир бошқача-да. Шунингдек, мухлисларнинг бизга кўрсатаётган ҳурмат-эътиборига ҳам муносиб жавоб беришимиз керак-ку!

— Бугун сизга тақлид қилиб куйлаётганлар ҳам бор. Санъат йўлига эндигина кириб келаётган ёшларга санъаткорни муваффақиятга элтувчи омиллар ҳақида қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?

— Овозимга, юриш туришимга, услубимга тақлид қилаётган ёшларни кузатяпман. Шундай кезларда: “Демак, санъатда озгина бўлса ҳам ўз ўрнимни топдим шекилли, шундай издошлар пайдо бўлмоқда”, дея хурсанд бўламан. Уларнинг истеъдоди бўлса, албатта, ўз йўналишини топиб кетади. Энг муҳими, ижодкорда туғма қобилият бўлиши, сабр-тоқат билан меҳнат қилиши, изланиши шарт.

Ачинарли жиҳати, сўнги пайтларда овоз ёзиш студиялари, муסיқий марказларнинг имкониятлари ёрдамида санъатни тўлиқ тушуниб етмаганлар, муסיқий иктидор бўлмаганлар ҳам бир зумда “бинойидек” хонандага айланмоқда. Лекин тингловчиларнинг таъби нозик. Улар ҳақиқий санъат билан бундай “сохта намойиш”лар фарқини тез илғайдилар.

Агар санъаткорнинг кўшиқларини кекса-ю ёш бирдек меҳр билан тингласа, хонанданинг ижодини қадрласа, услубини тушунас, демак, унинг қилаётган меҳнатлари беҳуда кетмабди.

— Кўшиқларингиз учун шеър танлаётганда нималарга кўпроқ эътибор берасиз?

— Онамнинг айтишларича, болалигимда жуда йиғлоқи бўлган эканман. Овунтириш қийин кечган. Шунинг учун ота-онам расмли китоблар олиб беришар экан. Кейинчалик ҳам жуда кўп китоблар совға қилишган. Шунинг

учунми, китобларга меҳрим бўлачқа. Сўз ва куйнинг бирига мутаносиблигини яхши англайман.

Устозларнинг ана шу жиҳатларга эътибор бериб яратган ашулалари ҳамон тилдан-тилга, устоздан-шогирдга кўчиб яшаб келмоқда. Шеър тўғри танланмаса, кўшиқ ҳеч қанча “яшамайди”. Бугун айрим ижро намуналарининг саёзлиги сўз салмоғининг енгиллигидан, деб ўйлайман. Менинг назаримда, яхши кўшиқ, умрбоқий ашулалар илдизи барибир профессионал ижодга бориб тақалади. Шунинг учун ижро учун шеър танланаётганда эл назарига тушган шоирларга кўпроқ мурожаат этиш керак.

— Ҳар қандай ижодий фаолият машаққатдан иборат эканлиги ҳақиқат. Шу маънода, табиийки, бу жараёнда хато-нуқсонлар ҳам бўлиши аниқ. Лекин айрим хонандалар енгил-елпи кўшиқлар ижро этиб шинавандалар гашига теккан пайтда танқидга учраса, ҳазм қилолмайди. Сизнинг танқидга муносабатингиз қандай?

— Тасаввур қилинг, сизни ҳар кун и олқишлашадими, мақташади. “Баракалла, офарин, сен зўр кўшиқ айтаяпсан”, деган мақтовлар соясида юраверши охири таназзулга олиб келади. Мен ҳар қандай шароитда ҳам асосли ва чин кўнгилдан айтилган фикр-мулоҳазани тўғри қабул қилишга ўрганганман. Ўйланг, ҳар кун и ойнага қараб ўзимизни тўзатамиз. Демак, танқид ҳам кўзгуга ўхшайди. Кўролмаслик ёки ҳасад яширинган сохта гап-сўз, миш-мишлардан ижодкор баландроқ туриши лозим.

— Сиз ҳам энди катта бир оила устунисиз. Ҳаётининг турли хил синовларидан ўтиб келаясиз. Фарзандлар тарбиясида кўпроқ нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?

— Касбим тақозоси туфайли ҳар доим ҳам болаларимнинг ёнида бўла олмаيمان. Гоҳида уларга етарлича вақт ажратолмаётганим ўзимга ҳам сезилади. Ҳар бир оилада тарбия бирламчи масалага айлансагина ота-онанинг ўрни қадрли бўлади. Ўғил-қизлариди келажакда бизнинг ворисларимиз бўлиши билан бирга об-

## Гурун

Отабек Мамазоитов 1974 йилнинг 23 январида туғилган.

Фаргона Давлат университетида таҳсил олган. Тўрт фарзанднинг отаси.

Энг сеvimли машғулот — китоб мутолааси.

рўйимиз, юзимиз ҳамдир. Баъзан болалар шўхлик қилган кезлари аёлим уларни бироз тергаш кераклигини айтганда ҳам яхши сўз билан йўлга солишга, маънавиятига путур етказмасликка уринаман. Сабаби, раҳматли дадам ҳам бизга ҳеч қачон каттиқ гапирмасдилар. Хатоларимизни ҳам ўз ўрнида чиройли йўл билан тушунтириб берадилар. Отанинг гап-сўзлари, юриш-туриши, оиладаги, маҳалладаги муомала-муносабатлари болалар учун ҳаёт мактаби вазифасини ўтар экан.

— Отабек ака, сиз билан унутилмас лаҳзалар, яъни бу ёғи Янги йил, қолаверса, умрингизнинг энг гуллаган қирқинчи довоии арафасида суҳбатлашиб турибмиз. Ўтаётган ва келаётган йил ҳам сарҳисобга ўхшайди, тўғрими?

— Мен Ватанимиз энди истиклолга эришган маҳалда навқирон 17 ёшда эдим. 23 йил ҳам ҳазилакам муддат эмас. Демак, бемалол айтсам бўлади, мустақиллик бизнинг авлодимиз, яъни қирқ ёшни тўлдирганлар учун ҳам асрларга тенг кадр-қимматга эга энг улуг бойлиқдир. Энди шу заминни севиб, ардоқлаб, жўшиб, ёниб яшашимиз, ишлашимиз керак. Тарих мулқига айланаётган 2014 йилда, бир ижодкор сифатида баҳоли қудрат элдошларим кўнглига хуш ёқадиган кўшиқлар яратиб олдим, деб ўйлайман. Нафақат санъат соҳасида, оиламизда ҳам қатор янгиликлар рўй берди. Лекин ҳали мен учун ҳаёт синовлари олдинда.

Президентимиз томонидан 2015 йилнинг “Кексаларни эъзозлаш йили” деб номланиши бежиз эмас. Бу эътироф замирида халқимизнинг азал-азалдан бутун дунёга меҳр-оқибат, бағрикенглик бобида ибрат бўлиб келганлигини исботловчи ҳақиқат ётибди. Муболағасиз айтиши мумкинки, ўтмишда ҳам, бугунги кунда ҳам бизнинг жаннатмонанд юртимизда туғилиб ўсган авлодлар меҳр-оқибат, хайр-саховат деб номланган мактабларда таҳсил олган ва келажакда ҳам шу аънада давом этаверади. Ниятим, юртимизда янги йилда ҳам тинчлик, осойишталик, фаровонлик, бағрикенглик, хотиржамлик барқарор бўлсин. Ҳар бир хонандада бешиклар тебрансин, чақалоқлар йиғиси эшитилсин. Кекса отахон ва онахонлар дуосини олайлик!

Мадамижон  
СОЛИХОНОВ  
суҳбатлашди.



**ФАРАНГ** — бу сўз адабий асарларимизда, шунингдек, тарихимизда халқ тилида кўп ишлатилган. Умуман, “фаранг” сўзи “европалик”, “франциялик” деган маънони билдирган. Европага, Францияга алоқадорлик “фаранг” сўзи билан ифода қилинган. Шунингдек, тилимизда ҳар бир иш қўлидан келадиган моҳир устага ҳам “устаси фаранг” деган ибора ишлатилган.

— Сиз косибларнинг дардингиз мум, чарм, фаранг ипда, — деди кулиб ака Наврўз.

Мирқарим Осим

**КЎРК** — “хусн, чирой, гўзаллик” маъноларини англатган “кўрк” сўзининг туб илдизи “қара”, маъносидаги “кўр” феълидир. Яъни бу сўз “кўримли”, “кўрса кўргудай”, деган маъноларни билдириб “кўрк” шаклига келган. Ундан “кўркли”, “кўркам” каби сўзлар ҳосил бўлган.

**Тогларнинг беткай томонларида энди гуллаган жийдалар богларнинг кўркига кўрк кўшарди.**

Одил Ёқубов

**ЧАРХПАЛАК** — сув кучи билан айланиб, катта ариқдан юқорига сув чиқарадиган энг қадимий қурилма, яъни чиғир “чархпалак” деб аталишини яхши биламиз. “Чархпалак” сўзи аслида “осмон гумбази” деган маънони англатади. Эҳтимол, бу қурилма айлана шаклида ҳаракатлангани ва ундаги идиллар айлана бўйлаб сайёралар каби жойлашгани учун “чархпалак” деб аталгандир.

Тақдирнинг ўзгарувчанлиги, беқарорлиги ҳам баъзан тилимизда “чархпалак” сўзи билан ифодаланган.

**Кечки енгил шабадада барглар аста шилдирар, бу майин сас.. ялқовланиб айланаётган чархпалакнинг гирч-гирчига кўшилиб кетарди.**

Йўлдош Шамшаров

Эшқобил ШУКУР  
тайёрлади.

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎРТКЎЛ ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

халқимизни ҳамда эл саломатлиги йўлида  
фидойилик кўрсатиб ишлаётган барча  
ҳамкасбларимизни

Президентимиз ташаббуси билан

“Кексаларни эъзозлаш йили”  
деб эълон қилинган янги —  
2015 ЙИЛ

билан самимий қутлайди!

Бизнинг азалий анъаналари-  
миздан бири, ҳар қандай қу-  
вончли байрам-тантаналар ара-  
фасида энг аввало, бир-би-  
римизга соғлиқ ва хотиржамлик  
тилаймиз. Негаки, “Саломатлик  
— туман бойлик” деган ҳикмат  
бежиз айтилмаган.

РЕКЛАМА

Мухтарам юртдошлар,  
Янги йилингиз мубораб бўлсин!



• РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА •

## «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

куйдаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.  
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.  
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.  
Ҳамшира — 6 ой. 4 оий ўқиш, 2 оий амалиёт.  
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).  
Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).  
Торт ва пишириқлар — 2 ой.  
Олий торт безатиш курси — 1 ой.  
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.  
Жаҳон таомлари — 2 ой.  
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.  
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.  
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).  
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.  
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).  
Тирноқ, киприк ўстириш ва дипеляция — 1 ой  
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.  
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс  
тили — 3 ой.  
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.  
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой  
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.  
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.  
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +998994 678-50-30 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Яшнобод тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона.

МЎЛЖАЛ: Кўйлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +998994 678-50-30 (кундузи)

## ҲИКМАТЛИ ДУНЁ

\*\*\*

Фаросат деб сезгидан келади-  
ган ишоранинг асл маъносига  
тезда етишмоққа айтилади.

Ибн СИНО

\*\*\*

Муолажани қабул этмайдиган  
касалик — аҳмоқликдир.

Имом ҒАЗЗОЛИЙ

\*\*\*

Ип узилса уни улаб бўлади,  
Аммо ўртасида қолади тугун.

Амир Хисрав ДЕҲЛАВИЙ

## “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”

акциядорлик компанияси  
жамоаси

мамлакатимиз аҳлини 2015 йил —  
“Кексаларни эъзозлаш йили”  
муносабати билан самимий  
муборакбод этади!



Минг шукрки,  
юртимизда кутлуғ  
байрамлар,  
муборак айёмлар  
кўп. Тинчлик ва  
осойишталик  
барқарор бўлган  
мамлакат халқи  
эса ўз шодумон  
кунларини ҳар  
қанча улуғласа,  
эъзозласа  
арзийди.

Янги йилда ҳар бир оилага сиҳат-  
саломатлик, тинч-тотувлик  
қут-барака ва фаровонлик  
ҳамроҳ бўлишини  
тилаймиз.

Янги йилингиз  
кутлуғ бўлсин, муҳтарам  
юртдошлар!

## Тайлоқ туманидаги “БЕКТОШ”

хусусий фирмаси

мамлакатимизнинг барча  
фуқароларини кириб  
келаётган 2015 йил  
билан чин дилдан қутлайди!  
Ҳар бирингизни сиҳат-  
саломатлик, бахт-саодат,  
хотиржамлик ва омад тарк  
этмасин!



## “КИҲИМ”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН  
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ватандошларимизни  
Янги йил байрами  
билан табриклайди!  
Ҳар бир оилага  
мустаҳкам сиҳат-  
саломатлик,  
фаровонлик ва  
хотиржамлик йил  
бўйи ҳамроҳ бўлишини  
тилаймиз.

 Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги  
“УМСИН МОМО” фермер хўжалиги

барча юртдошларимизни Янги йил  
айёми билан чин қалбдан қутлайди!  
Келаётган 2015 йил барчамизнинг  
дилimizга қувонч, ишимизга ривож ва  
оиламизга хотиржамлик олиб келсин!





## МАЙМУНЛАР ТҶИИ

Яқинда ҳиндистонликлар галати бир тўй шодиёнасининг гувоҳи бўлдилар. Беттиах шаҳри яқинида Раму (Ramu) ва Рамдулари (Ramdulari) лақабли маймунларнинг тантанали никоҳ маросими ўтказилди. Маросим уларнинг хўжайини Удеш Махто (Udesh Mahto) томонидан ташкиллаштирилди. Удешнинг севимли маймунларига меҳри жуда баланд экан. Тўй харажатлари учун пулни аямади ва зиёфатга нафақат ўша қишлоқ аҳолисини, балки қўшни шаҳарлардан ҳам меҳмонларни тақлиқ этди.

Удеш Махтонинг гапларига қараганда, Раму унга худди ўз ўғлидек бўлиб қолган. Шу боис меҳрибон "ота" "ўғли"нинг зеркиби қолмаслигини ўйлаб, унга Рамдулари лақабли янги дўст сотиб олди. Бироз вақт ўтиб, икки маймун жуда иноқлашиб кетишди. Жониворларнинг бир-бирига нисбатан муҳаббат пайдо



бўлганини пайқаган Удеш Махто икки "ёш"нинг бошини қовуштириб қўйиш керак деган қарорга келди.

Авал у ёш "келин-куёв"ларга улар учун махсус тикилган костюмларни кийдирди. Сўнг қишлоқ аҳолисининг истаганча бу тўйда ўйнаб-қулишига шароит яратиб берди. Никоҳ либосларидаги маймунлар эса одамлардан тортинмасдан ўзларининг эҳтиросли муносабатларини намойиш этиб, бир-бирини суйиб, эркалашарди.

Кейин катта сайр уюштирилди. Янги "келин-куёвлар" махсус безатилган катта Жип машинасида борар, одамлар эса қийқиришиб уларни олқишлашарди.

## АКВАЛАНГ

Франциялик тадқиқотчи олим Жак Ив Кусто ҳамда муҳандис Эмиль Ганьян 1943 йили сув остида кислород билан таъминловчи мослама – аквалангни ихтиро қилишганди. Бу мослама сув остида бир қанча вақт туриш учун мўлжалланган. Шу ихтиродан илҳом олган Кусто ўзининг "Ка-



липсо" илмий-текшириш кemasида 1948 йилнинг бошларида океанлараро саёхатга отланган. Олим саёхати давомида аквалангдан самарали фойдаланиб, унинг ёрдамида 60 метр чуқурликкача шўнғиган ва океан дунёси ихлосмандларига сув ости сирларини очиб, жуда кўп қизиқарли маълумотларни тақдим этган.

**Наргиза СИДДИҚОВА**  
тайёрлади.

## "Бахтли бўлинг" саҳифаси

### ЁЛГИЗЛИК — ИЗТИРОБ ЭКАН

Турмуш ўртоғим билан уч ойгина бирга яшаганмиз. Тўйдан кейин унинг тутқаноқ касали борлиги маълум бўлди. Бундан хабар толган ота-онам: "Фарзандларинг ҳам шундай касаллик билан туғилиши мумкин, яхшиси, вақтни ўтказмай ажраша қол", дейишди. Ажрашиш ҳақидаги қароримни эрим ҳам индамай маъқуллади. Никоҳимиз бекор қилинган, ҳомилдор эканлигимни билиб қолдим. Уйимдагилар уни олдириб ташлашимни айтишганда рози бўлмадим. Умида дунёга келганида унда бир нечта неврологик касалликлар аниқланди. Бироқ, шифокорларнинг назоратида бўлиб, кўрсатмаларига амал қилганимиз учун қизим тузалиб кетди. Кейинчалик акаларим қизим иккимизга алоҳида уй олиб беришди. Қизим коллежни тугатганидан кейин фэйзли бир хонадоннинг келини бўлди. Ҳозирда икки набиранинг бувисиман. Умида ёш пайтлари мени қўлимни сўраб, совчи қўйганлар ҳам бўлганди. "Ўғай отанинг қўлида ўқиб қолмасин", дея қайта турмуш қурмадим. Энди эса ёлғизлик изтироби нима эканлигини тушунапман. Қизим ҳам ҳар келганда: "Ойи, сиздан доим хавотирданман, меҳрибон инсон учраса, турмушга чиқинг, ёнигизда ҳамроҳ бўлса яхши бўларди", дейди куюни. Ҳозирги пайтда ёшларнинг тиббий текширувлардан ўтиб, кейин оила қураётганини эшитиб қувонаман. Агар бизнинг даврда ҳам шундай талаблар бўлганида тақдирим бошқача бўлиши аниқ эди. Ҳечдан кўра, кеч бўлса-да, ҳаётимни бир меҳрибон, оқибатли инсон билан боғлашга қарор қилдим. **Ёшим 54 да.** 60 ёшгача бўлган, оққўнғил, уй-жойи тайин, бола-чақаси ташвишидан қутулган умр йўлдош учраса, оила қуриш ниятидаман.

**ҲАБИБА,**  
Тошкент шаҳри.

### БИР АЁЛ БЎЛСАЙДИ...

Баъзан ёш оилаларнинг ажрашгани ҳақида эшитиб қолсак: "Ёшлик қилибди-да", деймиз. Аммо, қанда-андалик, набиралик бўлганда эр-хотиннинг ажрашишини қандай изоҳлаш мумкин? Солиҳжон яққою ёлғиз укам. Уч йил аввал: "Опа, келиннингиз билан келишолмай қоляпмиз, бундай яшашни истамайман", деганида: "Бундай гаплар сенларга ярашмайди", деб, дакки бергандим. Кейин қизимни узатдим. Тўй ташвишлари билан бўлиб, укамнинг турмушидаги жоҳролардан беҳабар қолибман. Тўйдан кейин мундоқ ўйлаб кўриб, келиним кўринмаганини пайқабман. Укамдан бу ҳақда сўрасам, у аллақачон кўч-кўронини кўтариб кетганини, ҳатто ажрашишга ариза ҳам бериб бўлишганини айтди. Ўртага тушиб, уни ўзим қайтариб олиб келаман, десам, аралашманг, деб жиддий қаршилиқ кўрсатди. Билмадим, келинимдан бирор кечириб бўлмас хато ўтганини ёки бошқа сабаби борми? Хуллас, яқинда уларнинг ажрашганлари ҳақидаги қозоғга кўзим тушди. Солиҳ гоҳида маст аҳволда уйимга кириб келадиган одат чиқарган. Бу кетишда у ичкиликка ружу қўйиши аниқ. **Солиҳжон 56 ёшда.** Бир оқила аёл бўлса, укамнинг кўнглига қараб, кексайганда бир-бирига суянчиқ бўлиб юрса, деган умидда сизларга мурожаат қилганман. Хушфёъл, очик чехрали, фарзандларидан тинган аёл бўлса, илтимос, бизга хабар қилинг.

**ШОДИЯ опа,**  
Фарғона вилояти.

### ОҚИЛА КЕЛИН ИЗЛАЙМИЗ

Катта келиним Раҳима оғир-босиқ, кўнғилчан аёл эди. Ўғлим билан тинч-тотув ҳаёт кечиритди. Учинчи фарзандини дунёга келтирганидан кейин тез-тез бечора бўла бошлади. Умрининг сўнги беш йили гоҳ уйда, гоҳ шифохонада ўтди. Кундан-кунга озиб, чехраси сўлғин тусга кириб бораётганидан ташвишланардик. Кўнғимиздаги хавотир бекорга эмас экан, бедаво хасталик Раҳимани орамиздан олиб кетди. Қисматнинг битигига кўнмай иложимиз йўқ эди. Ўғлим билан бирга набираларимни ҳеч кимдан кам қилмай вояга етказдик, иккитасини узатдик. Кенжатоғи Зуфаржон мактабда ўқийди. Ростини айтсам, мен ҳам кексайганим сари уй ишларига қийналиб қоляпман. Келиним бўлса, ўғлимга ҳамроҳ, набираларимга оналик қиларди. Яқинда бу масалада ўғлим билан маслаҳатлашганим, у эътироз билдирмади. Шу ёшимда уйма-уй юриб, келин излашга кучим етмайди. Бу гаплардан хабар толган бир жияним: "Оила ва жамият" газетасига мурожаат қилинг", деб маслаҳат берди. Умид билан сизларга мактуб йўллапман. **Зафарбек 55 ёшда,** тадбиркор, 45 ёшгача бўлган, бефарзанд, Тошкент шаҳри ёки вилоятида яшовчи аёллар бўлса хабар беришин.

**КАРИМА ая,**  
Тошкент вилояти.

### ҲУСНИМГА ДОҒ ТУШГАН

Уят, андиша каби хислатлар ёшлигимиздан қалбимизга сингдириб борилгани учун ҳам айрим гапларни очик-ошқора айтиш, бизнинг тарбиямизга тўғри келмайди. Айниқса, қиз боланинг: "Турмушга чиқмоқчиман", дейиши кўпчиликка эриш туюлса керак. На илож, лекин мен бугун шу сўзни айтишга мажбурман. Дадам вафот этганларида укам иккимиз бошланғич синфда ўқирдик. Биз бу жудолликка болаларча муносабатда бўлгандирмиз, аммо онамнинг қай аҳволга тушиб қолганини яхши эслаймман. Оилани таъминлаш учун онам маҳалламизда янги очилган бир ошхонага фаррош бўлиб ишга жойлашди. Онамга ёрдам бергим келарди. Шу боис ёнига чиқардим. Ярим тунда уйга қайтардик. Бир куни ишимизни тамомлаб қайтаётим, қоронғида бир нарсага қоқилиб тушдим. Ерда шиша синиклари бор экан. Юзимнинг тўрт ерини йиртиб юборди. Фалокат оёқ остида бўлади, деб бежиз айтишмас экан. Ўша воқеа сабаб, юзимга тушган чандиқлар хуснимга доғ бўлиб қолди. **Ҳозир 30 ёшдаман.** Гоҳида онам чуқур хўрсиниб: "Тўйларингни кўрармиканман", десалар эзилиб кетаман. Балки, мана шу "айбим" бўлмаганида мен ҳам тенгдошларим қатори бир оиланинг бекаси, 2-3 нафар фарзанднинг онаси бўлишим мумкин эди. Пешонамга ёзилгани шу экан, деб юраверсам ҳам бўлмайди. Умр бўйи кўп азобларни кўрган онам укам иккимизнинг камалимизни кўролмасалар ўзимни кечиролмайман. Пазандалик, тикувчилик бобида укувим етарли. Ўзим каби бирор нуқсонни бор инсон учраса, турмушга чиқмоқчиман. Қаерлик эканлигининг мен учун кўпам аҳамияти йўқ.

**МАҲМУДА,**  
Самарқанд вилояти.

### АЗАМАТНИНГ МАНЗИЛИ КЕРАК

Турмуш ўртоғим Забиҳилла ака билан икки ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказдик. Ҳозир икки келин ва бир нафар куёвимиз бор. Минг шуқурки, уларнинг ҳаётлари тинч, аҳил, иноқ яшашпти. Навбат кенжа қизимизга. Уни ҳам яхши бир йигитга узатсак, деган умиддамиз. **Чарос 23 ёшга** кирди. Уни сўраб келаятганлар ҳам йўқ эмас. Бироқ, тақдири бошқа биланми, билмадим негадир совчилар билан тил топиша олмаяпмиз. Газетанинг 48-сонида "Кўнғимга мос жуфт излапман", сарлавҳали эълонда сурхондарёлик Азаматнинг дил сўзларини ўқигандим. Олий маълумотли, ичиш-чекиш каби зарарли одатлардан ҳоли бундай йигитни ким куёв қилишни истамайди, дейсиз. Сизлардан илтимос, Азаматга телефон рақамимизни берсангиз. Насиб қилса, Чаросой билан турмуш қуриб, гўзал ҳаёт кечиритиш.

**ЗАРИФА опа,**  
Қашқадарё вилояти.

# ҚҰЙ ЙИЛИ ҚАНДАЙ КЕЛАДИ?

**2015 йил — Шарқ халқларининг мучал ҳисобига кўра, қўй йили деб номланади. Табиатан ювош бўлса-да, бу жониворнинг ўзига яраша қайсар ва саркаш феъли ҳам йўқ эмас! Шу боис 2015 йил кимлар учун осуда, тинч, кимлар учундир қизгин, алғов-далғовли ўтиши кутуляпти.**

\* Сичқон йилида туғилганлар 2015 йилда меҳнатлари ва интилишлари-га муно-с и б жавоб оли-шади. нохуш



Ишда ҳолатлар деярли юз бермайди, аксинча, янги йил уларга вақти-вақти билан ажойиб юксалиш онларини ваъда қилмоқда.

\* Сигир йилида туғилганлар ҳаёт синовларида тобланишади. Ҳар бир ишга масъулият билан ёндошишса, сабр-тоқат билан мақсади га эришадилар.

Оилавий муносабатларда мулойимроқ бўлган маъкул. Ортиқча асаббужарлик, сиқилишлардан сақланганлар дори-дармонларга мутлақо муҳтож бўлмайди.

\* «Йўлбарс» лар йил давомида ажойиб ғоя ва муваффақиятли таклифлари билан жамоатчиликнинг диққат марказида бўлишади. Молиявий ишларда ва пул



масаласида эҳтиёткорроқ бўлган маъкул.

\* Куён мучали вакиллари янги йилда ҳар жиҳатдан омад қулиб боқиши кутилмоқда. Аммо қўлга киритилган мўмай даромад аниқ режа билан сарфланмаса, баракаси



бўлмайди. Оилада эътиборли ва ғамхўр бўлиш, турмуш ўртоғи билан муносабатларни янада мустаҳкамланишига сабаб бўлади.

\* Анъаналарга содиқ ва ўзгаришлардан чўчийдиган «Ба-лик» ларга моддий ва молиявий масалаларда бахт қулиб боқиши мумкин.



Гурур ва манманликни йиғиштириб, керак вақтда ҳам-касблар, атрофдаги тажрибали инсонларга суяниш, мадад қутишдан бош тортманг.

\* Илон мучалига мансублар учун 2015 йил бир маромда кечиши ваъда қилин-япти. Жиддий муваффақият ва йўқотишлар қузатилмайди. Моддий ва молиявий ишларга масъулият билан ёндошиш талаб этилади.



\* «От» лар учун эса янги йилда ёрқин, унутилмас дамлар кутилмоқда. Молиявий томондан омадингиз чопади, анчадан бери сиз учун қўлетмасдек туюлган харидларни амалга оширасиз. Ушбу йилда барпо этилган оила бир умр тинч-тотув ҳаёт кечиради.



## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

\* Кўнглига келган ишни қилишни хуш кўрувчи Маймун мучаллар учун 2015 йил улкан ютуқларга бой бўлиши мумкин. Йилнинг боши ва охири таваққал қилиш учун яхши вақт. Соғлиқ бора-сида жиддий қайгуриш тавсия этилади.



\* Кўй мучали сохибу сохибалари янги йилда моддий тарафдан машаққат чекишмайди. Ҳар бир ишда масъулиятли ва эътиборли бўлиш муваффақиятлар гаровидир.

\* Товуқ мучалида туғилганларнинг янги йилда мансаб пиллапояларидан кўтарилиши кутилмоқда. Яқинларингиз билан орангиздан «қора мушук» лар ўтишини истамасангиз, ишга ҳаддан ташқари берилиб кетманг. Моддий тарафдан ҳам катта имкониятлар тақдим этилади.

\* Ит мучалидагиларни эса молиявий омадлар кутмоқда. Ишдаги ўсишдан ҳаволаниб кетманг. Муҳаббат бобида ҳам улар ёқимли ҳис-туйғуларни бошдан кечирашади.

\* Янги йилда Тўнғиз мучали вакиллари барча жабҳада омади чопиб, ишлари қутилмаган даражада юришиб кетиши кутуляпти. Мулоҳазали бўлиш, майда-чуйда гап-сўзлардан баландроқ туриш оилавий муносабатлар совуқлашининг олдини олади.



БАҲОР тайёрлади.

## ЭЪЛОН! *Реклама*

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 126-умумтаълим мактаби томонидан 1998 йилда Шамуратова Шахноза Розимбаевна номига берилган О'РН№453171 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«КАФОЛАТ» ДАСК АЖ Тошкент шаҳар филиали Олмазор туман бўлими шуни маълум қиладики, 2012-2013 йиллардаги «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш» бўйича

- KF 0999299, KF 0999315,
- KF 1003229, KF 1003245,
- KF 1003250, KF 1012706,
- KF 1012750, KF 1339427,
- KF 1339429, KF 1339433,
- KF 1339439, KF 1009116,
- KF 1009117, KF 1009118,
- KF 1009119, KF 1009120,
- KF 1009160, KF 1009163,
- KF 1009164, KF 1003660,
- KF 1003941, KF 1003942,
- KF 1003943, KF 1003944,
- KF 1003945, KF 1003946,
- KF 1003947, KF 1003948,
- KF 1003949, KF 1003950,
- KF 1008536, KF 1008537,
- KF 1008538, KF 1008539,
- KF 1008540, KF 1008541,
- KF 1008542, KF 1162097,
- KF 1162100, KF 1347037,
- KF 1347044, KF 0993439,
- KF 0993443, KF 1003368,
- KF 1003369, KF 1003370,
- KF 1003703, KF 1003724,
- KF 1009046, KF 1009320,
- KF 1012594, KF 1012775,
- KF 1012776, KF 1013241,
- KF 1013243, KF 1013409,
- KF 1162104, KF 1162107,
- KF 1162111, KF 1162254,
- KF 0894681, KF 0894801,
- KF 0903080, KF 0903082,
- KF 0903094, KF 0985708,
- KF 0985810, KF 0985812,
- KF 0985819, KF 0985875,
- KF 0985876, KF 0985991,
- KF 0993188, KF 0993196,
- KF 0894724 суғурта полислари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

## ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛАДИ

Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланганми?  
**Ф.Ваҳובהва.**

Албатта, белгиланган. Бундай шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш учун:

– Фарзандлар зиммасига ота-оналарини ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлаш учун маблағ тўлаб туриш мажбуриятини юкловчи суднинг ҳал қилув қарори мавжудлиги;

– Мазкур шахсларни боқиш учун ундирилаётган маблағларни жами уч ойдан ортиқ муддат мобайнида қасд-

### Савол-жавоб

дан тўламаган бўлиши аниқланиши лозим.

Агарда ушбу ҳолатлар аниқланиб ўз исботини топса, у ҳолда ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаган шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 123-моддасига кўра, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

**Саволга Зангиота туманидаги 8-сонли нотариал идораси нотариуси Хусанжон АХМЕДЖОНОВ жавоб берди.**

## «UMID VA ISHONCH»

ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
қуйидаги хизмат турларини тақлиф қилади:

- Эндокринолог.
- Терапевт. ЭКГ.
- Невропатолог. ЭХО-ЭС.
- Гинеколог
- Уролог.
- Клиник-биокимё лабораторияси.
- Ультратовуш ташхиси (УЗ/Д) Medison X 6 аппаратида доплерография.
- Физיותרрапия.
- Муолажа хонаси.

РЕКЛАМА

### МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

8 (371) 245-07-42, 245-07-72,  
245-07-79, 227-47-80.

Манзил: Тошкент шаҳри. Бешёғоч даҳаси. 1-уй  
Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи яқинида.  
E-mail: [umid\\_va\\_ishonch@mail.ru](mailto:umid_va_ishonch@mail.ru)


Хизматлар лицензияланган.  
Лицензия № 1255-00 Берилган сана: 26.03.2012 йил

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўл ёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 15:00 Босишга топширилди - 15:00

E-mail: [oivavajamiyat@sarkor.uz](mailto:oivavajamiyat@sarkor.uz)



Бош муҳаррир:  
**Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА  
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ  
Мусахҳилар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,  
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темуру кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: [oila-va-jamiyat.uz](http://oila-va-jamiyat.uz)

1 2 3 5

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1236. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 5602. Баҳоси келишилган нархда.

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20  
Котибият: 233-04-35, 234-76-08  
Мухбирлар: 233-04-50  
«Оила» бўлими: 234-25-46